
Хушхабар!!!

Фарғона шаҳар 2-айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактабининг яна бир ўқувчиси муддатидан аввал талабалик бахтига эришди.

Мактабнинг 11"Б"-синф ўқувчиси Эгамбердиев Азимжон халқаро ИЕЛТС имтихонидан 7 балл олиб, муддатидан аввал тўртта олийгоҳнинг, яъни Санкт- Петербург давлат медицина университети, Томск шаҳридаги Сибирсайй давлат медицина университети, Казан шаҳридаги Казан давлат медицина университети ва Тошкент шаҳридаги Акфа университетининг медицина ёъналиши талабасига айланди.

Ўз устида тинимсиз изланишлар ҳамда интилишлар омад, ютуқ ва муваффақиятлар гаровидир. Барча фанларни қунт билан ўзлаштиришга киришган Азим мактабда фанларни, айниқса, кимё фанини пухта эгаллади. Натижа эса қувонарли бўлди, албатта.

Ўқувчимизнинг тиббиёт ёъналишини танлашига асосий сабаб, халқимизнинг тиббий маданиятини ошириш, тиббиёт соҳасида улкан ютуқларга эришишдир. Ўқувчимизга омад тилаб қоламиз!

2-мактаб жамоаси.

2022-06-16 12:57:03